

АДОЛАТ

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 17 (1028) ● 2015-yil, 17-aprel, juma

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг танқиди жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Польша Республикаси
Президенти
Исроил Давлати Бош вазири
Қирғизистон Республикаси
Президенти
Кувайт Давлати Бош вазири

— **Бронислав Коморовски**
— **Беньямин Нетаньяху**
— **Алмазбек Атамбаев**
— **Жобир ал-Муборак**
— **ал-Ҳамад ас-Сабоҳ**

Япония собиқ бош вазири,
парламентдаги Ўзбекистон
билан дўстлик лигаси фахрий
маслаҳатчиси, 2020 йилда
Токиода ўтказиладиган ёзги
Олимпия ўйинлари ташкилий
қўмитаси президенти

— **Йоширо Мори**

Япония парламентидаги

“Япония демократик партияси —
Ўзбекистон” дўстлик лигаси раиси,
Вакиллар палатаси депутати

— **Коитиро Гэмба**

“Ханжин Групп” раиси,

“Кореан Эйр” компанияси раиси

— **Чо Янг Хо**

Япония нефть, газ ва
металлар миллий
корпорацияси президенти

— **Хиробуми Кавано**

“Мицубиси Корпорейшн”
бошқаруви раиси

— **Йорихико Кожима**

“Мицубиси Хэви Индастриз”
президенти ва

— **Шунъичи Миянага**

бош ижрочи директори

“Мицубиси Хитачи Пауэр Системс”
президенти ва

— **Такато Нишидзава**

бош ижрочи директори

“ИТОЧУ Корпорейшн” президенти
ва бош ижрочи директори

— **Масахио Окафудзи**
табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Халқимиз фаровонлигининг янги марралари

➤ Муносабат

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси барчамизни тўлқинлантириб, олдимизга қўйилган юксак марраларни забт этиш сари янада куч ва шижоат бахш этди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови фуқароларимизнинг бугунги ҳаётдан мамнулиги ва келажакка бўлган ишончи мустақамлигини, давлатимиз сиёсатини, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларни кенг қўллаб-қувватлашни яна бир бор намоён этди. Бу, албатта, мамлакатимиздаги тинчлик, озоишталанишнинг, тараққиётнинг ўзимизга хос “ўзбек модели” асосида тадрижий — эволюцион, босқичма-босқич ривожланишнинг Ўзбекистон йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бераётганининг исботидир.

Тантанали маросимда муҳтарам Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини юксалтириш ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширишга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Президентимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича бир қатор йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

3 ➤



13 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг III Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши, Марказий Тафтиш комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий аппарати масъул ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Дастурий вазифаларимиз ижроси амалий ҳаракатларимизга боғлиқ

Пленумда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлардаги иштироки ва демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг навбатдаги босқичида партия ташкилотлари олдида турган долзарб масалалар муҳокама қилинди. “Адолат” — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун! Сайловолди дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров маъруза қилди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига 2014 йил 21 декабрда ҳамда жорий йилнинг 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайловлар сўнгги йилларда миллий қонунчилигимизга киритилган муҳим демократик принципларни амалиётга татбиқ этишда, айниқса, сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ички ва

ташқи сиёсатига доир аниқ позицияларини белгилаб олишларида муҳим аҳамият касб этди, — деди партия раҳбари. — Сифат жиҳатидан аниқ ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитлар, партиялараро рақобат асосида бўлиб ўтган мазкур сиёсий тадбир Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси учун ҳам сиёсий майдонда тобланиш имконияти бўлди.

Эндиликда олдимизда мазкур сайловлар даврида белгилаб олган дастурий мақсадларимизни ижро этиш, сайловчиларга берган ваъдаларимиз устидан чиқишдек масъулиятли вазифа турибди. Бунинг учун партиянинг барча бўғинлари ишини белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратиш, мазкур масала бўйича яқин йилларда партия Сайловолди дастурини бажаришга мўлжалланган комплекс амалий Ҳаракат дастурини тасдиқлашимиз зарур. Таъкидлаш лозимки, жорий

йилда Ўзбекистон “Адолат” СДП ташкил топганлигига 20 йил тўлди. Айни пайтда партияимиз аъзолари сони 106 700 нафардан зиёдди, БПТларимизнинг сони эса 3295 тани ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг мамлакатимиз сиёсий майдонидаги, халқ орасидаги нуфузининг юксалиши, шубҳасиз, партия Сайловолди дастурининг ҳаётга тўлиқ татбиқ қилиниши билан узвий боғлиқ.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар муносабати билан амалга оширилган сайлов кампанияси давомида барча даражадаги партия ташкилотлари сайловчиларга Сайловолди дастуриимизнинг асосий жиҳатлари, партиянинг сайловчилар олдидаги мажбуриятлари бўйича фаол тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар.

Сайловлардаги иштирокимиз таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур фаолият барча бўғинларимизда тизимли таш-

кил қилинмади. Партия фаолларига тарғибот-ташвиқот ишларида аниқлик, тўғри режалаштириш ва тадбирларни ташкиллаштириш, истиқболли кўра билиш, аҳолини қизиқтирган саволлар бўйича тўғри қарор қабул қилиш амалиёти етишмаганлиги сезилди. Бўлиб ўтган сайловлар партияимизнинг барча ташкилотлари, депутатлик корпусларимиз ўз устида ишлашлари, иш услубларини такомиллаштириши зарур эканлигини кўрсатди.

Шу жиҳатдан олдимиздаги қатъий вазифаларни белгилаб олганмиз. Партияимиз Сайловолди дастурини ҳаётга тўлиқ татбиқ қилиш орқали партияимизнинг халқимиз орасидаги, мамлакатимиз сиёсий майдонидаги нуфузини янада ошириш, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги ролини кучайтириш бизнинг олий мақсадларимиздан биридир. Бунинг учун партияимизнинг

барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик корпусларимиз аниқ чора-тадбирлар белгиланган режа асосида фаолият олиб боришлари лозим. Шу мақсадда ишлаб чиқилган Сайловолди дастуриимизни амалга ошириш бўйича комплекс амалий Ҳаракат дастури ҳар бир масала юзасидан ташкилий-партиявий, мафкураравий, молиявий-иқтисодий ва бошқа вазифаларни ўзида мужассамлаштирилганлиги билан аҳамиятга молик.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш кераки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимизни муҳолиф деб эълон қилганлигимиз ҳам зиммамизга янада юксак масъулият юклайди. Биз эндиликда олдимизда турган вазифаларни тўқис ижро этишимиз, партияимиз позицияларини янада мустаҳкам туриб Ҳимоя этишимиз зарур.

2 ➤

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳалари фракция муҳокамасида



➤ Парламентда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Йиғилиш кун тартибидаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қизгин муҳокама этилди.

3 ➤

ҲАР БИР САФДОШИМИЗ

қатъий позицияси ва маҳоратини намоён этмоқда

Яқинда Давлат санитария эпидемиология назорати маркази Жондор туман бўлимида ҳамда Хумдонак қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган қишлоқ врачлик пункти қошида янги бошланғич партия ташкилотлари фаолият бошлади.



4

БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАР

партия иштирокида молиявий қўллаб-қувватланмоқда



5

РЕЙХСТАГНИ ЗАБТ ЭТГАН

ўзбек ўғлини



Яқинда фашизм устидан қозонилган Ҳалабанин 70 йиллигига бағишлаб Москвада чоп этилган “Улар Рейхстагни эгалладилар” альбом-китобида ўзбек жангчиси Каримжон Исоқовнинг хотиралари ҳамда у ҳақда маълумотлар берилган.

6

ОНА ЗАМИНГА МУҲАББАТ

келажакимиз кафолатидир



7

Бизнес лойиҳалар

партия иштирокида молиявий қўллаб-қувватланмоқда

Ижтимоий шериклик

Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан Республика Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва ўз бизнес лойиҳасига эга бўлган хотин-қизларга мунтазам равишда имтиёзли кредитлар олишга кўмаклашиш йўлга қўйилган.

14-15 апрель кунлари Жиззах вилоятининг Зомин ва Фаллаорол туманларида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши, "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида имзоланган қўшма қарорга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа доирасида семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати, "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки, вилоят ва туман ҳокимликлари мутасаддилари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, партиямиз фаоллари, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизлар ҳамда касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан иборат жами 400 нафарга яқин иштирокчилар қатнашди.

— Бу балги тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам партиямиз Сайловолди дастурида илгари сурилган гоёлардан келиб чиқиб, ёшлар учун иш ўринлари ташкил этиш, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уларга истаган пайтда ўз ишларини ташкил этишларига имконият яратиш, пировардида аҳолининг турмуш сифати кўрсаткичларини юксалтиришга қаратилди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудирини Муҳаммадjon Жўраев. — Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда молия муассасалари билан йўлга қўйилган ижтимоий ҳамкорлигимиз яхши самара бераёпти. Ҳамкорликдаги ушбу лойиҳани белгиланган режа асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда амалга оширишни режалаштирганмиз. Тадбирда мутахассислар томонидан кичик бизнесни ривожлантириш учун молиявий ресурслар беришни янада кенгайтириш, янги иш жой-



лари ташкил этиш, аҳолининг кенг қатлами, аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги учун яратилган имтиёзлар, оилавий бизнесни ривожлантириш хусусида иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, туманлардаги мавжуд бўлиш иш ўринлари ҳақида маълумотлар, бизнес лойиҳа тузиш ва банкдан имтиёзли кредит олиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар акс этган тарғибот материаллари ҳамда коллеж ўқувчиларининг хунармандчилик, тикувчилик, тўқувчилик маҳсулотлари кўрғазмаси ҳам бўлиб ўтди. Семинарлар доирасида тадбиркорлик фаолиятини банк кредитлари ҳисобига бошлаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида

Зомин маиший хизмат кўрсатиш ва транспорт ҳамда Фаллаорол ижтимоий-иқтисодийёт касб-ҳунар коллежларининг 25 нафар битирувчиларига, шунингдек, 5 нафар тадбиркор аёлларга жами 177 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бу, албатта, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш билан бирга ижтимоий хизматлар кўрсатадиган соҳаларнинг ривожланишига хизмат қилади. — Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайлов кампаниялари даврида Ўзбекистон "Адолат" СДПдан кўрсатиш билан учрашувларида партия ташаббускор аёлларга кенг имконият яратиш, уларнинг иқтисодийёт соҳасидаги фаолиятини ошириш мақсадида микрокредитлар ажратилишини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фикрларини эшитган эдим, — дейди Зомин туманидаги Каттабоғ маҳалласида яшовчи Гулназа Тўймуродова. — Шу сабабли бун-

гунги тадбир ҳақида хабар топиб, маҳалламизда тикувчилик цехи очилган бизнес лойиҳа-ҳамни тегишли комиссияга топширдим ва тикув машиналари сотиб олиб, ўз ишимни бошлаш учун етарли миқдорда имтиёзли кредит сертификатини мазкур тадбирда қабул қилиб олдим. Эндиликда бошлайдиган ушбу ишим орқали маҳалламиздаги уч нафар чевар қизнинг ҳам меҳнат билан бандлигини таъминлайман. Албатта, жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигидаги бу каби хайрли тадбирлар хотин-қизларнинг ташаббусларини рўйга чиқаришда муҳим восита ҳисобланади. — Кўпдан буюн хонадонимизда кичик чорвачилик ҳўжалигини ташкил этишни мақсад қилиб юрган эдим, — дейди Зомин маиший хизмат кўрсатиш ва транспорт коллежи битирувчиси Сарвар Ибрагимов. — Бугунги тадбирда берилган сертификат менга ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйиш учун бошлангич сармояни қўлга киритишга қўлдош берди. Келгусида мақсадларим катта. Ушбу бошлайдиган ишимни ривожлантириб, кейинчалик сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона очиш ва иқтисодийётимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман. Мамлакатимизда ёшларга қаратилган давлат сиёсати даражасидаги эътибор ва ғамхўрлик бизни ол-

димизга ана шундай юксак мақсадлар қўйишга, бу йўлда ўқиб, ишлашига ундамоқда. — Бугунги тадбирда иссиқхона ташкил этишга доир бизнес лойиҳа билан иштирок этиб, 5,9 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификатни қўлга киритдим, — дейди Фаллаорол ижтимоий-иқтисодийёт коллежи битирувчиси Малика Абдусатторова. — Ушбу тадбирнинг мен учун яна бир аҳамиятли томони Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига аъзоларига қабул қилинган бўлди. Бундан жуда хурсандман. Келгусида тадбиркорлик фаолиятимни ривожлантириб, ўзим аъзо бўлган партия гоёлари асосида иссиқхона ҳўжалигимга муқоабил энергия манбаларини, яъни қуёш батареялари ва сув иситкичларини ўрнатишни ҳам режалаштириб қўйдим. Мухтасар айтганда, жонли мулоқотлар тарзида ўтган семинарларда иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга мутахассислар батафсил жавоб беришди. "Адолат" СДПга аъзо бўлиш истагини билдирган бўлгуси тадбиркорларга партия аъзолик билетлари топширилди.

Жасур ҚАРШИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши матбуот котиби



Жисмоний тарбия барча ёшдагилар учун

Саломатлик марафони

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят, туман кенгашлари ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Окқўрғон туманидаги марказий ўйингоҳда "Жисмоний тарбия барча ёшдагилар учун мустаҳкам соғлиқ гаровидир" шиори остида саломатлик марафони ўтказди.

олди олиними ҳақида тўхталиб шундай деди: — Соғлом турмуш тарзи ҳар бир инсон учун муҳим аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ортқича вазн, кам ҳаракатлили ва нотўғри овқатланиш юрак хасталиги, қон босими, қандли диабетта чалинишининг асосий сабаблар-

қибс таъсири бор. Ушбу марафон ҳам аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш, кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини қўйишга хизмат қилади. — Туманимиздаги барча мактаб, коллеж ва лицейлар, яъни таълим даргоҳларида пе-

— Биз ушбу марафонда гимнастик машқларимиз билан қатнашдик, — дейди "Эъзозли аёллар" гуруҳи аъзоси Ҳамида Соатова. — Жамоамиз 50 ёшдан 85 ёшгача бўлган аёллардан иборат. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бугунгидек тадбирларни янада омма-

Тадбирда партиямиз фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Окқўрғон тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бўлими, "Нуруний" жамағатиси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЕИХ, Тошкент шаҳридаги "Янгиобод" МФЙ "Эъзозли аёллар" гуруҳи, Окқўрғон тумани Султонобод ҚФИда жисмоний тарбия билан шуғулланувчи гуруҳ аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.



нинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзига амал қилиш узоқ умр, сиҳат-саломатлик гарови эканлиги, жисмоний тарбия орқали турли касалликларнинг

ридан саналади. Бугунги марафонга турли ёшдаги кишилар жалб қилинди. Зеро, инсоннинг соғлиғи ҳар нарсадан муҳим ва бунда спортнинг бе-

дағоглар иштирокида турли спорт мусобақалари ўтказилди, — дейди Окқўрғон тумани агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи информатика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Ў.Сафаров. — Бундай спорт тадбирларининг ўтказилиши ўзига хос аҳамият касб этади. Негаки, билим ва тарбия бериш билан бирга, инсон камолотида жисмоний тарбия бениҳоя катта ўринга эга эканлигини навиқрон авлодга тушунтиришда, уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда педагогларнинг масъулияти каттадир.

Марафонда кексао ёш кўтариш руҳда биргаликда иштирок этишди, голиб чиққан қатнашчилар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрликлар ва ҳомиёларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Партиямиз кексалар, болалар, айниқса, аёлларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур имконият ва шароитларни яратиш, мактабларда спорт секцияларининг ишини жонлантириш, хотин-қизларнинг спортга бўлган қизиқини ва интилишларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди тадбирнинг очиқлиш маросимида сўзга чиққан Тошкент вилоят партия кенгаши раиси К.Шоди-метов. — Партия ташкилотимиз томонидан "Гимнастика — барча учун", "Жисмоний тарбия — соғлиқ гарови", "Отам, онам ва мен — спортчи оила", "Соғлом аёл — соғлом жамият пойдевори" шиори остидаги спорт мусобақалари ана шундай мақсадларда ўтказиб келинмоқда.



Спорт марафони давомида "Эъзозли аёллар", Окқўрғон тумани Султонобод ҚФИ жисмоний тарбия билан шуғулланувчи гуруҳлари қизиқарли спорт машқларини намойиш этдилар.

Сарвиноз ҲАМРОЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши матбуот котиби

Партиядошларимиз ташаббуси билан

Партиямизнинг Сайловолди дастурида таълим соҳасини ривожлантириш, таълим тизимида инновацион технологияларни жорий этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Чунки жамиятни ривожлантиришни янада юқори босқичларга кўтариш, барча жабҳаларда тараққиётни таъминлаш, аввало, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Бу масалани ҳал этиш эса, биринчи навбатда, умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Наманган вилоят партия кенгаши томонидан мазкур йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим масалалари — фаолларимизнинг доимий эътиборида

Ўзбекистон "Адолат" СДП Чортоқ туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги 18-умумтаълим мактабиди ўтказилган "Бошлангич таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш" мавзусидаги ўқув-семинарда ҳам соғлом ва ҳар томонлама ўйғун ривожланган ёшларни тарбиялаш масалалари ҳақида фикр юритилди. Тадбирни ташкиллаштиришда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутахассислари партиядошларимизга амалий ёрдам кўрсатдилар. Бошқа мактаблардан тажрибали педагоглар ҳам жалб этилди.

— Бошлангич таълимнинг баркамол авлод таълим-тарбиясидаги аҳамияти беқиёс экани барчамизга аён, — дейди мактаб директори Музаффар Мирзааббаров. — Шу боис жамоамиз ўқитиш жараёнларини замонавий талаблар даражасида ташкил этишга алоҳида эътибор бериб келади. Янги педагогик технологияларни жорий этиш, таълим стандартларига тўла риоя қилиш кун тартибидидаги муҳим масалалардан ҳисобланади. Дарсларни кузатиш, ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳам яхши анъанага айланган.

Семинар қатнашчилари дастлаб бир қатор машғулотларда бўлиб, ўқитувчиларнинг касб маҳорати ва ўқувчиларнинг билим даражаси ҳақида тасаввур ҳосил қилдилар. Хусусан, Зоҳида Нуъмонова дидактик ва интерфаол усулларни ўйғунлаштирган ҳолда дарс ўтганлиги, Саидақабар Камолов, Муяссар Нурматова, Дилфуза Тожибоева, Тўхтасин Аҳмадхонов, Икбола Тожибоева ва Раҳматилла Убохонов каби ўқитувчилар олиб борган қизиқарли машғулотлар мутахассислар эътиборини жалб қилди. Шундан сўнгра ҳаммаслар ўзаро фикр алмашиб, ўзлари кузатган машғулотлар юзасидан мулоҳаза билдиришди. Пировардида бошлангич таълим самардорлигини янада ошириш, болаларни ўқишга янада кўпроқ қизиқтириш бўйича яна қандай имкониятларни ишга солиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Adolat» мухбири

Ходимларнинг кийиниш этикаси

ёки ишхонада қандай кийиниш мақсадга мувофиқ?

Нуқтаи назар

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий талабларидан бири — фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўла химоя қилиш ва бу жараёнда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, фуқароларнинг ҳамкорлик фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳисобланади.

Бу жараёнда кийиниш маданияти ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан бири сифатида хизмат қилади. Миллий қонунчилигимизни ўрганиш натижасида давлат идораларида фаолият юритувчи ходимларнинг ташқи кўринишига маълум бир талабларнинг қўйилмаганлиги ходимларнинг турли-туман кийиниши, айрим ҳолларда "давлат хизматчиси" деган мақомга, миллий маданиятимиз ва урф-одатларимизга тўғри келмайдиган кийинишларга олиб келаётгани аниқланди.



ят юритувчи ходимларнинг кийиниш маданияти юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда баъзи давлатларда ходимларнинг ташқи кўринишига қўйиладиган талаблар вазирликларда ички буйруқлар билан тасдиқлангани, яна баъзи давлатларда эса ҳуқуқат қарори билан тартибга солинганлиги кўриш мумкин.

бўлиши, тоза, дазмолланган, атрофдагиларни ўзига жалб қиладиган турли хилдаги безаклардан холи бўлиши, танланган пойабзал ходимнинг кийимига мос туриши керак.

баландликдаги туфли, классик услубдаги этикдан ташкил топishi мақсадга мувофиқ. Мазкур қоидаларнинг тегишли ташкилотларда жорий қилиниши келажакда давлат идораларида иш самарадорлигининг ошишига, фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончи мустаҳкамланишига, пировардида эса мамлакатимизни янада ривожланишига хизмат қилади, деб айтиш мумкин.

Гулжамол ШУКУРОВА, Адлия вазирлиги ходими

“Соғлиқни сақлаш — ТИЕ-2015”

Шу йилнинг 14-16 апрель кунлари Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ”-да ўтказилган бир йўла учта халқаро кўргазма — “Соғлиқни сақлаш — ТИЕ-2015”, “AptekoExpo Central Asia-2015” ва “Stomatology Uzbekistan-2015”га ташриф буюрганлар нафақат дори воситаларининг тайёрланиши технологияси, яъни фармацевтика тизимида қўлланиладиган асбоб-ускуналар ҳақида, балки умуман соғлиқни сақлаш соҳасида қўлланилаётган инновацион ускуналар, ишланмалар, юқори технологик аппаратлар ҳақида ҳам маълумотга эга бўлишди.

Инновацион тиббий техника намуналари намойиш этилди

Илк мартаба 1995 йилда ташкил этилган “Соғлиқни сақлаш — ТИЕ” халқаро кўргазмасида йилдан-йилга жаҳоннинг турли мамлакатларидаги тиббиёт ускуналари ва фармацевтика саноатидаги ишлаб чиқарувчи компаниялар сафи кенгайиб бормоқда.

атида ўз ўрнига эга компанияларнинг дори воситалари ва тиббий техникалари ҳақида батафсил маълумот олишди, зарурат туғилганда тегишли тартибда ҳамкорлик шартномаларига имзо чекишди.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган йилдан бошлаб кўргазмада “Тиббиёт туризми” шўъбаси ташкил этилгани бу борада фаолият юритаётган ташкилот, компаниялар ва ташриф буюрувчиларнинг эътиборини тортиди.

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА, “Adolat” муҳбири

Advertisement for Qishloq Qurilish Bank, featuring an image of a building and text about services and contact information.

“BUXORO GLOBAL REALTOR” МЧЖ очик танлов савдоларига таклиф этади!

- List of three real estate contests with details on prizes and deadlines. 1. Contest for Zhetysay MFU... 2. Contest for Sanatychilar... 3. Contest for Mirudustim...

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача (тушлик вақти 13:00 дан 14:00 гача) қабул қилинади ва 2015 йил 18 май кuni соат 18:00 да тўхтатилади.

Large advertisement for Asaka Bank, including the bank logo, slogan 'ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!', and a list of branches with phone numbers.

Advertisement for MUASSIS, featuring contact information for the editor and other staff members.

Advertisement for Adolat newspaper, including subscription information and contact details.